

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

**“Фарғона нефт базаси” МЧЖ
Директори**

А. Абдуганиев

2022 йил



БУЮРТМАЧИ: “Фарғона нефт базаси” МЧЖ

**“Фарғона нефт базаси” МЧЖнинг 2021 йил якуни
бўйича молиявий хисобот ва бошка молиявий
маълумотларни аудит текширувдан ўтказиш учун
аудитор
ташкилотни танлаб олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Фарғона-2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2018 йил 9 апрелдаги №472-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 “Фарғона нефт базаси” МЧЖ 2021 йил якуни молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий маълумотларни аниқлаш учун аудит текширувдан ўтказиш бўйича ҳисоботларни аудит текширувдан ўтказиб хулоса бериш.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати 37 000 000 (ўттиз етти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан аудитор ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 иш куни.

1.5. Аудит текширувни бошлаш муддати аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. “Фарғона нефт базаси” МЧЖ, (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) -танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон Республикаси, Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Тегирмон кўчаси, 141 уй

Эл.адрес: info@nbaza.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан электрон тартибда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, Аудит текширув ўтказишга лицензия (рухсатномаси) бор ва тажрибага эга бўлган, барча юридик мақомга эга бўлган кичик ва ўрта бизнес субъектлари иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади: шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар;
танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми
(50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда);
Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
қайта ташкил этилиш (бўлиниш, бирлашиш), тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлган,
мулки мусодара қилинган ёки хатлаб қўйилганлар ҳамдаташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига
молиявий қарамлиги мавжудлар.

3.5. Танлов иштирокчилари – талабгор ташкилотлар танлов предмети билан жойига чиқиб
ўрганиш, бажарилиши лозим бўлган ишлар ҳажми билан танишиш, аудит текширув учун зарур
бўлган маълумот олиш ва танлов таклифини тузиш учун буюртмачига (танлов ташкилотчисига)
мурожаат қилишга ҳақлидирлар.